

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АГЗАМХОДЖАЕВА БАРНО УЛУГБЕКОВНА**

**ГИПОКСИК-ИШЕМИК ЭНЦЕФАЛОПАТИЯ БИЛАН ЭРТА  
ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА  
БУЗИЛИШИДАГИ НЕЙРОИММУНОЛОГИК БИОМАРКЕРЛАРНИНГ  
РОЛИ**

**14.00.09-Педиатрия  
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Агзамходжаева Барно Улугбековна**

Гипоксик-ишемик энцефалопатия билан эрта туғилган чақалоқларнинг ривожланишида бузилишидаги нейроиммунологик биомаркерларнинг роли.....3

**Агзамходжаева Барно Улугбековна**

Роль нейроиммунологических биомаркеров в нарушении развития недоношенных новорожденных с гипоксически-ишемической энцефалопатией.....23

**Агзамходжаева Барно Улугбековна**

The role of neuroimmunological biomarkers in developmental disturbances in premature infants with hypoxic-ischemic encephalopath.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....49

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АГЗАМХОДЖАЕВА БАРНО УЛУГБЕКОВНА**

**ГИПОКСИК-ИШЕМИК ЭНЦЕФАЛОПАТИЯ БИЛАН ЭРТА  
ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА  
БУЗИЛИШИДАГИ НЕЙРОИММУНОЛОГИК БИОМАРКЕРЛАРНИНГ  
РОЛИ**

**14.00.09-Педиатрия  
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2020.4.PhD/Tib1517 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салихова Камола Шавкатовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Шамансуров Шаанвар Шамуратович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимов Ахбор Валиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимбаева Гульнора Сагтаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хантов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда чақалоқларнинг муддатига етмай туғилиш ва уларда хаёти учун хавфли асоратларнинг ривожланиши педиатрия ва неврологиянинг долзарб муаммоси бўлиб келган ва бўлиб қолади. Жаҳон соғлиқ сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...кўплаб давлатларда муддатидан олдин туғилган болаларнинг ўлим кўрсаткичининг юқорилиги ва яшаб қолган чақалоқлар ўртасида жисмоний, интеллектуал ва эмоционал норасоликка эга шахсларнинг кўплиги ҳақида гувоҳлик бермоқда...»<sup>1</sup>. Муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг ўлим кўрсаткичи ва ногиронлик даражаси юқорилиги ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатига етмай туғилган болаларда текширишнинг диагностик усулларини топиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатига етмай туғилган болаларни оналарида экстрагенитал омилини эрта аниқлаш, анамнестик маълумотлар тавсифи, касалликнинг клиник кўринишлари, нейробиологик маркерлари ҳолати, цитокинлар кўрсаткичлари, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, шунингдек, даволашнинг самарали усулларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатига етмай туғилган болаларда асаб тизимининг патологиясини эрта ташхислаш, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини ошириш, амбулатор ёрдамни янада яхшилаш, шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббий генетика ҳамда замонавий скрининг дастурларини жорий этиш...»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда эрта туғилган чақалоқларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий юқори технологик диагностика ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш орқали неонатал ўлимнинг олдини олиш, неврологик асоратларини башорат қилиш ва чақалоқларнинг хаёт сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб

<sup>1</sup> Department of Maternal, Newborn, Child & Adolescent Health World Health Organization E-mail: mncah@who.int www.who.int/maternal\_child\_adolescent

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022 - 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори

борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022 - 2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда янги туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимининг перинатал зарарланишлари ривожланишининг устувор омилларини аниқлаш, неонатал ва кейинги ёш давларида уларнинг натижаларини башорат қилиш, ушбу патология ривожланишининг патогенетик хусусиятларини аниқлаш, неонатал даврда ўтказилган гипоксик-ишемик энцефалопатия (ГИЭ) оқибатларига эга болаларни даволаш ва реабилитация қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Dinomais M, Marret S, Vuillerot C., 2017). Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳаётининг биринчи йилидаги болалар касалликлари тузилмасида етакчи ўринни марказий асаб тизимининг перинатал гипоксияси оқибатлари эгаллаган (Gunn A.J., 2019).

МДХ давлатларида сўнгги йилларда гематоэнцефалитик тўсиқни ташкил этувчи ҳужайралар мембрана тузилмаларининг зарарланиши, бу эса қонга нейроспецифик оксилларнинг чиқишининг сабаби эканлиги ҳақида кўрсатмалар мавжуд (Блинов Д.В., Терентьев С.С., 2019; Трепилец В.М., 2018). Қон томирлар эндотелийсининг ўсиш омили (VEGF) ангиогенез ва васкулогенез жараёнлари учун жавоб беради, бу эса капилляр қон кетиши шаклланиши ҳисобига гипоксик-ишемик энцефалопатия патогенезида муҳим роль ўйнаган (Морозова А.Ю., Милютин Ю.П., 2019).

Мамлакатимизда муддатидан эрта туғилган чақалоқларда ГИЭ ни ўз вақтида ташхислаш ва патологик жараённинг дастлабки босқичларида салбий оқибатларининг олдини олиш имконини берувчи маркёрларини излашга бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Эрта ёшдаги болаларда марказий асаб тизимини перинатал органик шикастланишининг хавф омиллари ўрганилган (Зияходжаева Л.У., Хидирова С.Ф., 2020; Маджидова Ё.Н., Усманов С., 2020).

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган перинатал патологиянинг хусусиятларига индивидуал таъсир қиладиган асосий

омиллардан бири бу чақалоқнинг туғилиш пайтидаги етуклик даражасидир. Ўта кам тана вазни билан муддатидан олдин туғилган чақалоқлар орасида ногиронлик даражаси 33,5% ни ташкил қилади, бунда ногиронликга олиб келувчи бузилишларнинг асосий сабабларидан бири болалар мия фалажлиги (БМФ) ҳисобланади. Шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш, хавф омилларини аниқлаш, диагностик ва даволаш алгоритмларини яратишга хизмат қиладиган тиббий технологиялардан фойдаланиш орқали янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС-15.1.5 «Янги туғилган чақалоқларда полиорган етишмовчилик синдромининг клиник ва диагностик мезонларини, патогенетик терапия усулларини ва прогнозини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** нейроиммунологик биомаркерлар ва нейровизуализациянинг замонавий усуллари асосида муддатидан олдин туғилган гипоксик-ишемик энцефалопатияли чақалоқларда ташхис қўйиш ва натижаларини башорат қилишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

муддатидан олдин туғилган чақалоқларда гипоксик-ишемик энцефалопатия ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларда асаб тизими шикастланишининг клиник-инструментал хусусиятларини баҳолаш;

гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларда неврологик асоратларнинг ривожланишида нейроиммунологик биомаркерларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг ҳаётининг биринчи йилида жисмоний ва психомотор ривожланиш ҳолатини баҳолаш;

гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ташхислаш алгоритми ва эрта неврологик реабилитация қилиш комплексини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган 94 нафар чақалоқ ҳамда назорат гуруҳидаги ўз муддатида туғилган 20 нафар соғлом чақалоқлар олинган.

**Тадқиқот предмети сифатида** бемор болаларнинг ҳамда соғлом шахсларнинг периферик қони ва қон зардоби олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда умумклиник, инструментал ( НСГ,

ЭЭГ), иммунологик (томирлар эндотелийсининг ўсиш омили, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот илмий янгилиги** қуйидагидан иборат:

чақалоқларда гипоксик мия шикастланиши ривожланишининг оғирлиги, онанинг экстрагенитал касалликлари (ўртача ва оғир даражадаги анемия, юрак-қон томир касалликлари), преэклампсия, плацентанинг муддатдан олдин ажралиши орасида корреляцион боғлиқлик исботланган;

муддатига етмай туғилган гипоксик энцефалопатия ва асаб тизимининг бузилишлари хавфи, чақалоқларда 3 ойликдаги аниқланган ЭЭГ кўрсаткичларидан ривожланишнинг 3-турдаги бузилиши, НСГ да ПВЛ мавжудлиги неврологик бузилишларнинг патогенетик модели билан боғлиқлиги исботланган;

ГИЭ билан эрта туғилган чақалоқларда неврологик асоратларни ривожланишида VEGF иммунологик омилининг пасайиши ва NSE нейробиокимёвий маркерининг кўпайишининг прогностик аҳамияти ва уларнинг Журба-Мастюкова шкаласи кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ( $r=0,64$  ва  $r=-0,67$ ,  $p<0,01$ ) исботланган;

“Муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг реабилитация салоҳиятини аниқлаш” электрон дастури ишлаб чиқилган ва унинг асосида муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг ногиронлигини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ташқилий чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ГИЭ ривожланишида муҳим хавф омиллари, клиник-биокимёвий ва иммунологик ўзгаришларнинг прогностик аҳамияти асосланган;

муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг, ГИЭ ўтказган, реабилитацион потенциални аниқлаш учун ишлаб чиқилган прогностик моделни жорий этиш неврологик асоратларни эрта башорат қилишга асосланган;

устуворлик, босқичлилик ва мултидисциплинарлик тамойиллари асосида ташкил этилган даволаш ва реабилитация тадбирлари ногиронликни 2,5 баробарга камайтиришга, шунингдек, гипоксик – ишемик энцефалопатия асоратлари бўлган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон бериши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти муддатидан олдин туғилган чақалоқларда гестацион ёшига боғлиқ ҳолда клиник, биокимёвий, иммунологик ва инструментал маълумотларни баҳолаш орқали чақалоқларда ГИЭ ривожланишини ва оқибатларини прогностлаш, уни ташхислаш усулларини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти клиник, биокимёвий, иммунологик ва инструментал тадқиқотлар натижалари ушбу патологиянинг оғирлик даражасини башорат қилиш ва улардан касалликнинг диагностик ва прогностик мезони сифатида фойдаланиш, ишлаб чиқилган “Муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг реабилитация салоҳиятини аниқлаш” электрон дастуридни қўллаш ГИЭ билан муддатидан олдин туғилган чақалоқлар ўртасида ногиронликни камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 22 июндаги №5-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг 2022 йил 9 сентябрдаги 01/10-684-сонли хати юборилган):

*биринчи илмий янгилик:* оналарда экстрагенитал патологиялар (анемия, юрак-қон томир касалликлари), преэклампсия ва плацентанинг муддатдан олдин ажралишининг юқори частотасини аниқлаш ГИЭ билан муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг туғилишининг камайишига олиб келганлиги Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 28 январдаги 75-сонли буйруғи ҳамда Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 8 июндаги 107/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: оналарда экстрагенитал патологияни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш муддатига етмай туғилган чақалоқлар туғилишини камайишига олиб келади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ҳомиладор аёлда экстрагенитал патологиянинг эрта антенатал профилактикаси ва ўз вақтида даволаш тежамкор бўлиб, муддатига етмай туғилган чақалоқни стационар даволаш харажатлари 76 315 000 сўмни ташкил қилган, 53 нафар бемор учун 1 297 355 036 сўм харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ҳомиладор аёлларда экстрагенитал патологиянинг барвақт олдини олиш ва тегишли даволаш тадбирлари ўтказилиб, 1 нафар беморга 1 кун ҳисобидан 366 355 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик:* муддатига етмай туғилган чақалоқларда ЭЭГ кўрсаткичларидан ривожланишнинг 3-турдаги бузилиши, НСГ да ПВЛ мавжудлиги неврологик бузилишларнинг аниқланиши асаб тизимининг бузилишлари хавфини камайтиради ва гипоксик энцефалопатия, ҳаётининг биринчи йилидаги ривожланиши мумкин бўлган оғир мотор бузилишларини олдини олишга ёрдам бергани Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт

марказининг 2022 йил 28 январдаги 75-сонли буйруғи ҳамда Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 8 июндаги 107/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: нейровизуализация ва нейрофизиологик кўрсаткичлар ёрдамида ГИЭ ривожланишини эрта ташхислаш натижасида эрта аралашув ва реабилитация тадбирларини самарадорлигини оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: эрта туғилган чақалоқларда миядаги патологик ўзгаришларни аниқлайдиган нейровизуализация ва нейрофизиология (инвазив бўлмаган, хавфсиз, уйқу пайтида амалга ошириладиган) усулларидан фойдаланиш антигипоксик терапияни ва мақсадли давони эрта бошлаш ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради, клиникада ўртача ҳар бир бемор учун кунлик харажатлар 366 355 сўм, юқоридаги диагностика усулларидан фойдаланиш эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини қўллаш ҳисобига ётоқ кунлари сонини 7 кунга қисқартирилган ва 2 487 562 сўм иқтисод қилишга эришилган; **Хулоса:** Эрта туғилган чақалоқларда миянинг функционал ҳолатини аниқловчи нейровизуализация ва нейрофизиология усулларидан фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобидан 1 кунга 366 355 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* VEGF иммунологик омилининг пасайиши ва NSE нейробиокимёвий маркерининг кўпайишини аниқланиши ва Журба-Мастюкова шкаласи кўрсаткичларини билан боғлиқлигини таҳлил қилиш муддатга етмай туғилган чақалоқларда ГИЭнинг неврологик асоратларни ривожланишини башорат қилишга ёрдам беради; ИЛ-1 (3,9 марта), ИЛ-6 (2,2 марта), ТНФ- $\alpha$  (3,7 марта) цитокинларнинг кўпайиши ва ИЛ-4 нинг камайиши (1,2 марта) гестацион ёшига кўра ГИЭ нинг оғирлиги даражасини баҳолашга ёрдам беради, Журба Мастюкова балли шкаласидан орқали баҳоланганда, балларнинг пастлиги салбий неврологик асоратларни ривожланиш хавфи юқорилигидан далолат берганлиги Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 28 январдаги 75-сонли буйруғи ҳамда Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 8 июндаги 107/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: муддатга етмай туғилган чақалоқларда информатив иммунологик кўрсаткичлар ва нейробиокимёвий диагностика маркери, шунингдек, Журба-Мастюкова шкаласидан фойдаланиш ГИЭ неврологик асоратларини башоратлайди ва мия шикастланиш даражасини эрта босқичда аниқлаш имконини беради, бу эса ўз вақтида аралашувлар, даволаш ва реабилитация чораларини жорий этиш имконини яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш ишлари олиб борилиши натижасида шифохонадаги ётоқ кунларининг 7 кунга қисқартирилган натижасида тўлов миқдори 2 487 562 сўмгача иқтисод қилинган. **Хулоса:** муддатга етмай туғилган чақалоқларда иммунологик, нейробиокимёвий маркерларни аниқлаш, Журба Мастюкова шкаласидан

фойдаланиш ГИЭнинг неврологик асоратларини башорат қилиш, нохуш оқибатларни олдини олиш, беморларнинг касалхонада ётиш муддатини қисқартириш имконини берган ва 1 нафар бемор ҳисобига 366 355 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 366 355 иқтисод қилиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* 12 ойлигида БМФ ташхиси қўйилган болалар сони 2-2,5 барабар камайди; Туғилгандаги тана вазни, иммунологик, нейробиокимёвий маркерлар, ЭЭГ ва НСГ кўрсаткичлари асосида "Эрта туғилган чақалоқларнинг реабилитация салоҳиятини аниқлаш" электрон дастури ишлаб чиқилган бўлиб, балларга қараб қуйидагилар ҳисобга олинади: юқори реабилитация салоҳиятида 0-7 балл; ўртача реабилитация салоҳияти 8-14 балл; кам реабилитация салоҳияти 15-28 баллга тенг бўлди, ГИЭ билан муддатига етмай туғилган чақалоқларда таклиф қилинган схема ҳамда тиббий ва ташкилий чора-тадбирларнинг мажмуини қўлланилиши, ногиронликни камайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келганлиги Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 28 январдаги 75-сонли буйруғи ҳамда Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 8 июндаги 107/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: аниқланган реабилитация потенциалидан фойдаланган ҳолда ГИЭ билан муддатига етмай туғилган чақалоқларни бошқариш бўйича таклиф этилаётган схемасини қўлланилиши, ногиронликни камайтиради ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: эрта аралашувлар, тиббий ва реабилитация тадбирлари ногиронликни 2,5 барабаргача қисқартириш имконини берди, 1 нафар ногирон болага нафақа миқдори ойига 622 000 сўмни ташкил этади, шунингдек, қаровчи шахсларга имтиёзли асосда ойига 500 000 сўм тўланади. 18 ёшгача бўлган болалар орасида ногиронликни камайиши 1 бола ҳисобидан йилига 13 464 000 сўм иқтисод қилинган. *Хулоса:* "Муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг реабилитация салоҳиятини аниқлаш" усулини қўллаш 1 бемор ҳисобидан 1 кунига бюджет маблағларини 37 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 37 000 иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқод натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **"Гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларни комплекс ташхислаш ва реабилитация қилишнинг замонавий тамойиллари ва уларнинг оқибатлари"** номли биринчи бобида муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ГИЭ патогенези, этиологияси, диагностикаси, шунингдек, нейроиммунологик биомаркерларнинг ГИЭ ривожланиши, кечиши ва натижасидаги аҳамиятига бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **"Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари"**да ишни бажаришда қўлланилган клиник, биокимёвий ва математик тадқиқот усуллари батафсил баён этилган.

Муддатидан олдин туғилган ГИЭли 94 нафар чақалоқ текширилди. Ҳомиладорлик муддати ва туғилиш пайтидаги вазнига қараб, болалар 3 гуруҳга бўлинди: 1 – гуруҳ – ҳомиладорлик муддати  $29,4 \pm 0,12$  ҳафта бўлган, ўртача вазни  $855, 5 \pm 15,8$  г экстремал кам тана вазнига(ЭКТВ) эга, тана узунлиги –  $37,3 \pm 2,5$  см бўлган 17 нафар чақалоқ; 2 – гуруҳ – ҳомиладорлик муддати  $32,3 \pm 0,2$  ҳафта бўлган, жуда кам тана вазни (ЖКТВ)  $1508,5 \pm 45,47$  гр, тана узунлиги –  $42,9 \pm 1,2$  см бўлган 36 нафар чақалоқ; 3 – гуруҳ – ҳомиладорлик муддати  $35,5 \pm 0,9$  ҳафта бўлган, кам тана вазни (КТВ)  $2116,0 \pm 15,7$  гр гр, тана узунлиги –  $48,3 \pm 1,0$  см бўлган 41 нафар чақалоқ;

Беморларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш Z-баҳолаш асосида ЖССТ стандартлари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Боланинг психомотор ривожланиши Л.Т. Журба ва Е.М. Мастюкова усули бўйича миқдорий усул билан баҳоланди. Қондаги нейробиокимёвий маркернинг NSE миқдори стандарт "Fujirebio" (Швеция) тест тизимлари ёрдамида ИФА усулида аниқланди. Қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF) БИОЧИП технологияси усулидан фойдаланган ҳолда "Randox" (Англия) аппаратида аниқланди. Иммунологик текширувлар - қондаги интерлейкин-1а (IL-1а), а-ўсма некрози омили (TFN-а), интерлейкин-6 (IL-6) ва яллиғланишга қарши интерлейкин-4 (IL-4) миқдори БИОЧИП технологияси усулидан фойдаланган ҳолда "Randox" (Англия) аппаратида аниқланди. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг барчасида касалхонага қабул қилинган биринчи кунда, шунингдек, 12 ойгача бўлган даврда динамикада "Philips HD" ультратовуш аппарати ёрдамида 3,5 МГц

сектор датчик ва 5 МГц конвекс датчикдан фойдаланиб катта лиқилдоқ орқали нейросонографик текширув ўтказилди. Электроэнцефалографик тадқиқот “Нейрон-спектр5” аппарати ёрдамида ўтказилди.

Прогноз ҳисоб-китобларини тезкорлик билан амалга ошириш мақсадида диалогли режимда ишлайдиган “ муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг реабилитация салоҳиятини аниқлаш дастури” номли дастурий модул ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг “Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ГИЭ ривожланишида перинатал омилларнинг аҳамияти ва эрта туғилган чақалоқларнинг клиник хусусиятлари” номли учинчи бобида ривожланиш хавф омиллари (соматик ва акушерлик-гинекологик анамнез, ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларининг кечиши) ва муддатидан олдин туғилган чақалоқларда илк неонатал даврнинг клиник кечиши таҳлил қилинган.

### 1-жадвал

#### Текширилган аёллардаги экстрагенитал патологиялар

Патология характери	1гуруҳ, n-17	2гуруҳ, n-36	3гуруҳ, n-41	Назорат n-20
Камқонлик	13(76,4%)*	27(75%)*	32(78%)*	8(40%)
Пиелонефрит	11(64,7%)*	20(55,5%)*	6(14,6%)	2(10%)
Юрак қон томир касалликлари	8 (47%)	14 (38,8%)	8(19,5%)	0
Эндокрин касалликлари	6(35,2%)*	5(13,8%)*	1(2,4%)	0
Гинекологик касалликлар	5(29,4%)*	7 (19,4%)*	4(9,7%)	2(10%)

Изоҳ: \*- назорат гуруҳи билан фарқлар асослилиги ( $p < 0,01$ )

Барча гуруҳлардаги янги туғилган чақалоқлар оналарининг экстрагенитал патологиялари тузилмасида 1-,2-,3-гуруҳ оналарида камқонлик мос равишда 76,4%, 75% ва 78% ҳолатда, юрак-қон томир тизими касалликлари 47%, 38,8%, 19,5% ҳолатда, сурункали пиелонефритнинг кучайиши 64,7%, 55,5%, 14,6% ҳолатда қайд этилган, бу эса хомилани гипоксиясини кучайтириша олиб келган (1- жадвал).

### 2-жадвал

#### Текширилган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши

Ҳомиладорлик патологиялари	1гуруҳ, n-17	2гуруҳ, n-36	3гуруҳ, n-41	Назорат n-20
Ўртача,оғир даражадаги прееклампсия	17(100%)*	35(97,2%)*	38(92,6%)*	4(20%)
Ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи	12(70,5%)*	25(69,4%)*	17(41,4%)*	2(10%)
Плацента кўчиши	4(23,5%)	5(13,8%)	4(9,7%)	0
Кўп хомилали ҳомиладорлик	3(17,6%)	6(16,6%)	7(17%)	1(5%)

Изоҳ: \*- назорат гуруҳи билан фарқлар асослилиги ( $p < 0,01$ )

Тадқиқот давомида аниқландики, барча гуруҳлардаги оналарнинг акушерлик анамнези сезиларли даражада оғир бўлган. 1-,2- ва 3-гуруҳлардаги оналарда мос равишда 100%, 97,2%, 92,6% ҳолатда турли даражадаги прееклампсия ва мос равишда 70,5%, 69,4% ва 41,4% ҳолатда ҳомиладорликни кўтаролмаслик хавфи мавжуд бўлган. Плацентанинг кўчиши 1-гуруҳдаги оналарда 23,5% ҳолатда кузатилган, 2-гуруҳда бу кўрсаткич 13,8% дан кам, 3-гуруҳда 9,7% ҳолатда, бу 1-гуруҳдаги оналарга нисбатан 2,4 марта кам (2 - жадвал).

Туғилиш пайтида боланинг ҳолатига ва туғруқдан кейинги ҳодисаларга таъсир қилувчи муҳим омил - бу туғилиш жараёни, туғилиш усули. Сувни муддатидан олдин кетиб қолиши учала гуруҳда ҳам кузатилган ва сезиларли фарқланмаган. Олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, барча гуруҳларда жарроҳлик усули ёрдамида туғилиш сони табиий туғилишдан кўра юқори бўлган (3 - жадвал).


### 3-жадвал

#### Беморларнинг оналарида кузатилган туғруқдаги патологиялари

Туғруқ патологиялари	1гуруҳ, n-17	2гуруҳ, n-36	3гуруҳ, n-41	Назорат n-20
Сувнинг вақтидан олдин кетиши	4(23,5%)*	9(25%)*	12(29,2%)*	0
Қон кетиши	7(41,1%)*	5(13,8%)*	3(7,3%)*	0
Табиий туғруқлар	7(41,1%)	17(47,2%)	17(41,4%)	14(70%)
Кесарча кесиш	10(58,8%)	19(52,7%)	24(58,5%)	6(30%)


Изоҳ: \*- назорат гуруҳи билан фарқлар асослилиги ( $p < 0,01$ )

Илк неонатал давр таҳлил қилинганда мос равишда 44,9% ва 34,9% бола оғир ва ўта оғир (4-6 ва 1-3 балл) ҳолатда туғилганлиги аниқланди.



### 1-расм. Неонатал даврдаги неврологик аломатлар (%)

Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ўтказилган клиник кўрикда церебрал сустлашиш синдроми кўпроқ 2-гуруҳ болаларида 47,2% ҳолатда, церебрал кўзғалиши синдроми 25% ҳолатда, талваса синдроми 5,5% ҳолатда кузатилди (1- расм).




Изоҳ: \*- кўрсаткичлар асослилиги назорат гуруҳига нисбатан ( $p \leq 0,01$ )

### 2-расм. Бола туғилишининг 5-7 кунда Журба-Мастюкова шкаласи бўйича баҳолаш (%)

3-гуруҳдаги муддатидан олдин туғилган чақалоқларда неврологик аломатлар 1 ва 2-гуруҳларга қараганда камроқ ифодаланганлиги аниқланган. Уларда вегетатив-висцерал бузилишлар синдроми устунлик қилди. Марказий асаб тизими зарарланишининг табиати биз томонидан гипоксик-ишемик, кам

дан кам ҳолатда гипоксик-геморрагик деб баҳоланган. Шунинг қайд этиш зарурки, гипоксик генезнинг критик ҳолатини ўтказган асаб тизимидаги ўзгаришлар динамикаси фазавий хусусиятга эга.

Муддатидан олдин туғилган чақалоқларни Журба-Мастюкова шкаласи бўйича неонатал даврда, эмизишнинг 2-босқичида ўранилганда, 1- ва 2-гуруҳларда "меъёр" кўрсаткичи қайд этилмаган, 3-гуруҳда 7,3% ҳолатда аниқланган (2-расм). Неврологик бузилишлар хавфи 3-гуруҳда (73,1%) устунлик қилди. 1 ва 2-гуруҳларда 76,4% ва 69,4% ҳолатда "ривожланишнинг кечикиши" кўрсаткичи устунлик қилди, бу 13-22 баллга тўғри келади.



**3-расм. Неонатал даврда чақалоқларни НСГ текшируви(%)**

1-гуруҳдаги болаларда қоринчалар ичига қон қуйилиши (ҚИҚҚ) III даражаси чақалоқларнинг 17,6% да аниқланган. ҚИҚҚ II даражаси болаларнинг 35,2%да кузатилди, бу 3-гуруҳ болаларига нисбатан 1,8 баравар кўпдир. ҚИҚҚ II даражаси ёнбош қоринчаларда гиперэхоген жойлар мавжудлиги билан тавсифланган. Перивентрикуляр лейкомаляция (ПВЛ) хавфи болаларнинг 29,4 %да қайд этилган, бу бизга ушбу гуруҳ болалари учун хавфли прогноз ҳақида гапириш имконини беради. 2-гуруҳ болаларида II даражали ҚИҚҚ 33,3% ҳолатда қайд этилган (3-расм). Динамикада 16% ҳолатда гидроцефалия белгилари 2-4 ҳафтадан кейин кузатилган. III даражали ҚИҚҚ 2,7% ҳолатда, ПВЛ хавфи 16,6% ҳолатда қайд этилган. 3-гуруҳ болаларида I даражали ҚИҚҚ 21,9% ҳолатда устунлик қилди. Тақдим этилган маълумотлар ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар, янги туғилган чақалоқларда I даражали ҚИҚҚ нинг клиник симптомларсиз кечишини тасдиқлайди (3 - расм).

#### 4-жадвал

**Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда неонатал даврда ЭЭГ текшируви**

	1гуруҳ, n-17	2гуруҳ, n-36	3гуруҳ, n-41	Назорат n-20
1тип норма	0	0	0	14(70%)
2тип етилишнинг кечикиши	11(64,7%)	29(80,5%)	34(82,9%)	6(30%)
3тип етилишнинг бузилиши	5(29,4%)	4(11,1%)	6(14,6%)	0
4тип патология	1(5,8)	3(8,3%)	1(2,4%)	0

Бош миянинг функционал фаоллигини баҳолашнинг кўп маълумот берадиган ва хавфсиз усулларида бири бу бош миянинг биоэлектр фаоллигини баҳолаш имконини берувчи одатий электроэнцефалограмма (ЭЭГ) ҳисобланади. Кеч неонатал даврда ЭЭГ усулининг прогностик аҳамияти ЭЭГнинг нафақат фон фаоллиги, балки транзитор паттернлари маълумотлари

тахлилида ҳам ортади.

Типологик таснифга мувофиқ неонатал даврда уйку паттернининг умумий ЭЭГни баҳолашда гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, биринчи турдаги ЭЭГ-паттерн ("норма") асосий гуруҳ болаларида биронта ҳолатда ҳам кузатилмади. Кўпроқ иккинчи тип ("этилишнинг кечикиши") 1-гуруҳ болаларида (64,7%), 2-гуруҳда (80,5%) ва 3-гуруҳда (82,9%) кузатилди. Учинчи тип ("этилишнинг кечикиши") 2- ва 3-гуруҳ болаларига нисбатан (11,1% ва 14,6%, мос равишда) 1-гуруҳ болаларида бир мунча кўпроқ кузатилди (29,4%). Таққослаш гуруҳларида тўртинчи типнинг ("патология") кузатилиш частотаси таққосланди ҳамда 1, 2 ва 3-гуруҳларда мос равишда 5,8%; 8,3% ва 2,4% ни ташкил этди (4 - жадвал).

Диссертациянинг тўртинчи **"Гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларда иммунитетнинг биокимёвий кўрсаткичлари"** бобида ГИЭ билан муддатидан олдин туғилган болаларда биокимёвий маркерлар ва иммунологик текширувлар натижалари келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Чақалоқларда цитокин спектри кўрсаткичлари

кўрсаткич	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	Назорат
Илк неонатал давр				
IL1	18,1±2,4*	22,05±1,8*	38,5±1,9*	6,3±0,8
IL6	58,6±3,8*	69,3±5,4*	77,8±2,7*	18,2±0,9
TFNa	29,1±1,9*	64,2±6,2*	76,6±6,3*	16,0±1,3
IL4a	22,8±3,1*	28,3±2,7*	40,2±2,1*	54,5±5,1
неонатал давр охирида				
IL1	10,2±1,0*	16,5±1,9*	20,05±2,0*	5,1±0,9
IL6	26,4±3,2*	32,6±1,7*	41,6±3,9*	18,2±0,9
TFNa	20,6±1,9*	40,2±1,4*	54,24±5,1*	14,5±0,6
IL4a	32,7±2,0*	42,5±4,1*	56,2±5,2*	72,4±5,1


Изоҳ: \*- назорат гуруҳи билан фарқлар асослилиги ( $p < 0,001$ )

Болаларнинг барчасида дисбалансининг патогенетик механизмини аниқлаш учун бола ҳаётининг 5-ва 28-кунлари яллиғланиш кўрсаткичлари текширилган: IL-1 $\beta$ , IL-6 ва TFN- $\alpha$ . Янги туғилган чақалоқлар ҳаётининг 5-кунида IL-1 $\beta$ , IL-6, TFN- $\alpha$  даражасининг кўтарилиши. 1-чи гуруҳ болаларда бу кўрсаткичлари нисбатан камроқ ифодаланган. Бу муддатидан жуда эрта туғилган чақалоқларда иммун тизимининг етилмаганлиги билан боғлиқ. IL-4нинг пасайиши назорат гуруҳига нисбатан 3-гуруҳ болаларида яққол ифодаланди ( $p < 0,001$ ). Чақалоқлар ҳаётининг 28-кунида динамикада яллиғланиш олди цитокинлари даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилди, аммо назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан юқориликча қолди. Янги туғилган чақалоқларда IL-4 ни ўрганиш унинг ўсиш тенденциясини кўрсатди, ваҳоланки унинг даражаси назорат гуруҳига нисбатан паст бўлди (5- жадвал).

1- ва 2-гуруҳлардаги муддатидан олдин туғилган чақалоқлар ҳаётининг

5-7 кунларида VEGF таркибини ўрганиш уларнинг паст даражада эканлигидан далолат беради, 3-гурухдаги болаларда эса VEGF қийматлари таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашди.


Чақалоқлар ҳаётининг 28-кунда 2-гурухдаги болаларда VEGF кўрсаткичи динамикада бироз пасайиши қайд этилди, 1-гурухда эса 3,7 баробар камайди. 3-гурухда ушбу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлди. Турли даражадаги қоринча ичи қон кетишлари натижасида келиб чикқан марказий асаб тизимининг жиддий шикастланиши шароитида васкулогенез жараёнларининг пасайиши содир бўлади, бу VEGF нинг пасайишини исботлайди (4 - расм).



Изоҳ \*-5- ва 28-кунлар кўрсаткичларидаги фарқларнинг асослиги \*P>0,01

**4-расм.Текширилган чақалоқларда VEGF миқдори(пг/мл)**

Корреляция таҳлили қон зардобдаги VEGF даражаси ва қоринча ичи қон кетишининг оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлади. Қон зардобдаги VEGF даражаси ҚИҚК ( $r = -0,65$ ) билан тесқари боғлиқ бўлди, қон томир ўсиш омили қанчалик паст бўлса, қоринча ичи қон кетиш даражаси шунчалик юқори бўлади.



**5-расм. Текширилган чақалоқларда NSE миқдори (нг/мл)**

Чақалоқлар ҳаётининг 5-7-кунда NSE кўрсаткичи 1-,2-,3-гурухлардаги болаларда назорат гуруҳидагига нисбатан( $8,8 \pm 4,3$ нг/мл) мос равишда  $99,2 \pm 9,7$  нг/мл,  $69,7 \pm 9,0$  нг/мл,  $56,3 \pm 7,3$ нг/мл ни ташкил қилди (5 - расм). NSE юқори кўрсаткичи Апгар шкаласи бўйича паст кўрсаткичига эга бўлган болаларда кузатилди ( $r = -0,45$ ,  $p < 0,05$ ).

**6-жадвал**

**Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ҚИҚК даражасига кўра NSE миқдори**

	ҚИҚК I даража, n=40	ҚИҚК II даража, n=39	ҚИҚК III даража, n=15	Назорат гуруҳи, n=20
NSE (нг/мл)	$24,8 \pm 2,4$ *	$48,0 \pm 3,4$ *	$72,4 \pm 5,4$ *	$8,8 \pm 1,9$

Изоҳ: \*-назорат гуруҳи болалари кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар асослиги.

Динамикада 1-гурухдаги янги туғилган чақалоқларда NSE миқдори камайди, аммо 2- ва 3-гурух болалари кўрсаткичларига нисбатан юқориликча қолмоқда ва назорат гуруҳининг кўрсаткичидан сезиларли даражада ошиб кетди. NSE миқдори ҚИҚК даражасига боғлиқлиги аниқланди ( $r=0,56$ ,  $p < 0,05$ ). NSEнинг сезиларли юқори кўрсаткичлари ҚИҚКнинг III даражасига эга бўлган болаларда қайд этилди. Бу гипоксия туфайли мия хужайраларининг структуравий ва функционал бузилишларининг интенсивлиги ва чуқур зарарланишлардан далолат беради.

Диссертациянинг “Гипоксик-ишемик энцефалопатия билан муддатидан олдин туғилган чақалоқларни олиб боришини оптималлаштириш ва реабилитация қилиш” номли бешинчи бобида кейинги тадқиқотлар маълумотлари келтирилган.

Муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг барчаси ҳаётининг дастлабки йилида кузатув остида бўлишди. Парваришларнинг 2-босқичида болалар ҳафтада бир марта невропатолог кўригидан ўтказилган. Тор мутахассисларнинг баҳолаш натижаларига кўра реабилитация салоҳияти ҳисоблаб аниқланди ва индивидуал реабилитация дастури ишлаб чиқилди. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда коррекцияланган ёшига кўра 6 ойликда овқатланиш статусини баҳолаш аксарият ҳолларда "меъёр" (-1/1) кўрсаткичи қайд этилганлигини кўрсатди. Озиқланиш оксил-энергетик етишмовчилиги (ООЭЕ) (-1СО) хавфи 1-, 2 - ва 3-гурухларда мос равишда 23,5%, 27,7% ва 21,9% ҳолатларда содир бўлди. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда 12 ойликда овқатланиш статусини баҳолашда аксарият болаларда кўрсаткичлар меъёрда бўлганлиги аниқланди ва 1-,2-,3-гурухларда мос равишда 88,2%, 80,5% ва 75,6% ҳолатларда кузатилди. Ўртача ва оғир даражадаги ООЭЕ қайд этилмади. Биринчи гуруҳда ООЭЕ хавфи кузатилмади, 2- ва 3-гурухларда мос равишда 8,3% ва 14,6% ҳолатларда аниқланди.

#### 7-жадвал

##### Янги туғилган чақалоқларда динамикадаги неврологик синдромлар

Синдромлар	1 гуруҳ, n-17	2 гуруҳ, n-36	3 гуруҳ, n-41
<b>Коррекцияланган ёш бўйича 6 ойлик</b>			
Бош мия кўзғалиши	0	5(13,8%)	3(7,3%)
Талваса	0	1(2,7%)	0
Ликвор-қон томирлар дистензияси	3(17,6%)	8(22,2%)	5(12,1%)
Вегетатив-висцерал бузилишлар	6(35,2%)	13(36,1%)	25(60,9%)
Тонус ва моторика бузилишлари	8(47%)	9(25%)	8(19,5%)
<b>БЦФ ривожланиш хавфи</b>	8(47%)	6(16,6%)	3(7,3%)
<b>Коррекцияланган ёш бўйича 12 ойлик</b>			
БЦФ	3 (17,6%)	2(5,5%)	1(2,4%)
Ривожланиш кечикиши	4 (23,5%)	4 (11,1%)	4(9,7%)
Ликвор-қон томирлар дистензияси	2(11,7%)	4 (11,1%)	3(7,3%)
Вегетатив-висцерал бузилишлар	1(5,8%)	5(13,8%)	6(14,6%)
Тонус ва моторика бузилишлари	1(5,8%)	4(11,1%)	7(17%)
Неврологик танқисликсиз	6(35,2%)	17(47,2%)	20(48,7%)

Ўрганилаётган болалар контингентидан неврологик нуқсон шаклланиши даврида, коррекцияланган ёшнинг 2,5-3 ойлигида, энг кўп кузатилди: 1-,2-,3-

